

Қодирова Зулайхо Абдухалимовна
ТДШИ ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *Мазкур илмий мақола мамлакатда меҳнат миграцияси жсараёнларини оқилона тартибга солинишининг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги аҳамияти масаласига бағишланган.*

Аннотация: *Данная статья посвящается роли регулирования трудовой миграции страны в повышении конкурентоспособности национальной экономики.*

Abstract: *The article is dedicated to the role a country's labor migration regulation plays in improving the competitiveness of the national economy.*

Глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш нафақат унинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини, балки унинг миллий ҳафвсизлигини ифодалашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатнинг жаҳон бозорларида ўз рақобатчиларига нисбатан кўпроқ моддий бойликларни ярата олиши, эркин бозор шароитида жаҳон талабларига жавоб берувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариши, ташқаридан олинган маблағларни тўлай олиши, ЯИМ ва аҳоли турмуш даражаси ўсишининг барқарор суръатларини таъминловчи шароитларни ташкил этиш каби имкониятлари миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайди¹.


Мамлакат рақобатбардошлигини баҳоловчи услубий ёндашувлар ичида Умумжаҳон иқтисодий форуминининг услубиёти кенг тарқалган бўлиб, улар ички иқтисодий салоҳият, ташқи иқтисодий алоқалар, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, молия-кредит тизими, инфратузилма, бошқарув тизими, иқтисодий техник салоҳият ва меҳнат ресурслари каби омилларни ўз ичига олади.

Ҳозирги даврда меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги, уларнинг таълим даражаси ва касбий тайёрлиги, уларни иш билан таъминлаши каби масалалар кун тартибининг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган. XX аср тажрибасининг кўрсатишича жаҳоннинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида аҳоли таълими, фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат даражаси юқори бўлган мамлакатлар етакчилик қилган. Мазкур салоҳиятни ошириш жамиятдан катта ресурслар, харажатлар ва кучни талаб қилади. Аммо бу соҳа йўлга қўйилмас экан ўз-ўзини ривожлантиришга қодир бўлган, халқаро иқтисодий, илмий техник ва бошқа алоқаларда рақобатбардош бўлган инновацион жамиятни ривожлантириш мумкин эмас.

¹ Милантьев А.В. Сущность и понятие конкурентоспособности // Студенческая наука XXI века : материалы VIII Междунар. студенч. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 25 янв. 2016 г.). 2016. – № 1 (8). – С. 206.


Меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлигини ошириш борасида Ўзбекистонда ҳам бир қатор ислохотлар ўтказилмоқдаки, уларнинг бевосита миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрни бекиёс. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида”ги, “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва “Астрономия ва аэронавтика” боғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор ва фармонлари кабилар бунинг яққол намунасидир. Мазкур яратилган ҳуқуқий асос ва имкониятлар меҳнат ресурсларимизнинг нафақат миллий меҳнат бозорида, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам ўз ўрни ва мавқеъига эга бўлиши ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ортишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга меҳнат ресурсларини самарали иш билан таъминлашни ташкил этиш мақсадида мамлакатда ишчи кучи экспорти жараёнларини тартибга солиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатда 2003 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 505-сонли Қарорига мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилган бўлиб, мазкур ташкилот Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хориждаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш бўйича мутасадди ҳисобланади. Бугунги кунда ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари АҚШ, Европа, Шарқий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатларида меҳнат фаолиятини амалга оширмоқдалар. Бироқ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия ва Япония билангина мазкур соҳадаги расмий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Хусусан, бу борада Ўзбекистон ва Корея ўртасида 1995 йилда “Саноат стажировкаси” дастури асосида, 2006 йилда эса, “Эркин ёллаш тизими” дастури асосида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини Кореяга ишлаш учун юбориш тўғрисидаги келишувлар имзоланди. 2007-2017 йиллар оралиғида “Эркин ёллаш тизими” асосида 46,8 мингта ўзбекистонлик мигрантлар Кореяга юборилди.



1-расм. Ўзбекистондан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали Кореяга юборилган меҳнат мигрантлари сони, киши (2007-2017 йиллар)²

2007 йилда эса, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишув, ҳамда ундан сўнг ноқонуний мигрантларни депортация қилиш, ноқонуний миграцияни олдини олиш ва меҳнат мигрантларининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган келишувлар кучга кирди. 2017 йилдан бошлаб икки мамлакат ўртасидаги меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари янада кучайтирилиб, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга оширишлари белгилаб олинди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерацияси томон соф миграция сальдоси, киши (2001-2016 йиллар)³


2017 йил 21 декабрда “Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси

² Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги маълумотлари

³ Федерал миграция хизмат маълумотлари www.fms.gov

фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида”ги ҳукуматлараро Битимнинг кучга кириши мигрантлар сони, мутахассислиги ва уларни қабул қилувчи минтақани реал эҳтиёжга мос ҳолда аниқлаш ҳамда Россиянинг ваколатли органлари томонидан меҳнат мигрантларига энг кам иш ҳақи талабларига риоя этиш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, тиббий ва ижтимоий суғурта, хусусан пенсия билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий кафолатланган тартибни жорий қилиш бўйича иккитомонлама ҳамкорлик қилиш имкониятини яратди. Россия ИИВ маълумотларига кўра, мамлакатда фаолият юритаётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг сони тахминан 1 миллион кишига етган бўлиб, улар мамлакатдаги жами мигрантларнинг 10%ини ташкил қилган. Шунингдек, 2017 йилда Россияда жами расмийлаштирилган меҳнат қилиш патентларининг ярмидан кўпи Ўзбекистондан ташриф буюрганлар учун расмийлаштирилган бўлиб, уларнинг сони 800 мингга етган. 2017 йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 922 нафар Ўзбекистон фуқароси ташкилий равишда Россияга ишлаш учун юборилган бўлиб, 2018 йилда бу кўрсаткични 50 мингга етказиш режалаштирилмоқда.

Шу ўринда, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий пул ўтказмаларига эътибор қаратар эканмиз, бу борада Россия Федерациясидан мамлакатимизга етарлича катта ҳажмдаги пуллар ўтказилаётганининг гувоҳи бўламиз.



3-расм. Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари, АҚШ доллари (2007-2015 йиллар)⁴

Меҳнат мигрантларини жалб қилувчи мамлакатнинг тили ва маданиятининг унга яқинлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари табиийки Россия Федерацияси ёки бошқа

МДХ мамлакатларини афзал кўрмоқдалар. Кўп йиллик умумий тарихимиз, ўзаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда рус тилида сўзлаша олиш каби омиллар мазкур мамлакатлар ўртасида меҳнат

⁴ Россия Марказий Банки маълумотлари

миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини кейинги йиллар давомида ҳам барқарор давом этишига сабаб бўла олади. Аммо сўнгги йиллар давомида Россия Федерациясининг иммиграцион қонунчилигида меҳнат мигрантларига нисбатан талабларнинг кучайтирилиши ҳамда меҳнат бозорига кириб келаётган ўзбекистонлик ёшларнинг аввалги авлодлардан фарқли равишда рус тилида яхши сўзлаша олмаслиги кейинги йиллар давомида Россия томон меҳнат миграцияси суръатларининг аввалги йилларга нисбатан қисқаришига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида глобаллашув жараёнлари натижасида кишиларнинг онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар эндиликда уларни тил ва маданиятидан бутунлай беҳабар бўлган, аммо ривожланиш ва турмуш даражаси юқорироқ бўлган мамлакатларга бориб ишлашни афзал кўришларига сабаб бўлмоқда. Бу борада айниқса рус тилида яхши сўзлаша олмайдиган ёш меҳнат ресурслари рус тилини ўрганиб, Россия Федерациясида қурувчилик ва қишлоқ хўжалиги каби мавсумий ишларга эмас, балки корейс, япон ва инглиз тилларини ўрганиб ривожланиш даражаси юқори бўлган Европа, АҚШ, БАА, Корея ва Япония каби мамлакатларга ишлашга бормоқдалар. Ўз навбатида Корея ва Япония каби техник соҳаларда меҳнат ресурслари тақчиллигига учраган мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон учун касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни тил бўйича имтихонлардан ўтказиб, мамлакатлараро шартномалар бўйича бориб ишлаб келишлари кулай аҳамият касб этади.

2015 йилдан Ўзбекистон ва Япония ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилиб, унга асосан ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини Япониядаги саноат соҳаларига ишлаш учун юборишга келишиб олинди. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари 2016 йилдан Польшадаги қурилиш соҳаларига жалб қилина бошланди. 2018 йилдан эътиборан мамлакатимизнинг истиқболда Туркия Республикаси билан мазкур соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш муҳокама қилина бошланди.

Ўзбекистоннинг Корея, Россия ва Япония каби миграция соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган келишувларни имзолаши ҳамда меҳнат мигрантларини махсус тайёргалик босқичларини ўтаб бўлгандан сўнггина уюштирилган ҳолда экспорт қилиниши мамлакатимизнинг халқаро меҳнат бозорида нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатдан ҳам ўз ўрнига ва аҳамиятига эга бўлишида муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижаси ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари хорижда қурувчилик, қишлоқ хўжалиги каби оғир ва мавсумий ҳамда беқарор иш ўринларида эмас, балки юқори технологик тараққиёт билан ҳамоҳанг ривожланаётган саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш ва бошқариш соҳаларида муносиб меҳнат қилиш шароитларида фаолият кўрсатишлари ҳамда бу соҳадаги янги ютуқ ва ўзгаришларни ўзлаштиришлари лозим.

Шунингдек мамлакатдан чиқиб кетувчи миграция оқимларини диверсификация қилиш ишчи кучи рақобатбар мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, хорижда ишлаш ниятидаги ўзбекистонликлар учун АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Норвегия, Саудия Арабистони, Катар, Кувейтда расмий равишда ишга жойлашиш потенциали юқори бўлиб, уларнинг юқори технологик тармоқларда банд бўлиши касбий билим ва кўникмаларининг ошишига сабаб бўлади. Масалан, АҚШда хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, тиббиёт соҳаларида, Канадада қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, телекоммуникация, дастурлаш, тиббиёт, катта ёшлиларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида, Германияда дастурлаш, телекоммуникация, саноат корхонларларида, Саудия Арабистони, Катар ва Кувейтда эса нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат ресурслари танқислиги кузатилади⁵.

Шунингдек истиқболда Ўзбекистонда ишчи кучи экспортини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида аҳолининг меҳнат миграцияси тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини ошириш, қонуний меҳнат миграциясини тарғиб қилиш, хориждаги меҳнат мигрантларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш асосида зарур чораларни амалга ошириш, меҳнат миграцияси эвазига келадиган пул ўтказмаларидан самарли фойдаланиш ва реэмиграция жараёнларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам меҳнат ресурсларимизнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бир неча йиллар давомида меҳнат ресурслари экспортининг мамлакат рақобатбардошлигига таъсири қатор назарий ва услубий ёндашувлар таъсирида турлича талқин этилган бўлсада, глобаллашув шароитида мазкур жараён меҳнат бозоридаги ишчи кучи танқислиги ва ортиқчалиги муаммосини ҳал қилиш, юқори иш ҳақи ва моддий фаровонликни оширишга бўлган интилиш учун имконият яратишдек ижобий механизм сифатида қаралмоқда. Чунончи, мамлакатдаги ишсизлик муаммосини юмшатиш, хориждан қайтган эмигрантларнинг тажриба ва кўникма билан келиши, уларнинг ишлаб топган даромадларининг ички инвестиция шаклида сарфланиши, пул ўтказмаларининг қисқа муддатли, узоқ муддатли, макроиқтисодий ва ижтимоий самарага эга бўлиши кабилар мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Rita Remeikienė, Ligita Gasparėnienė. The Impact of Emigration on the Competitiveness of the Coun-try: the Case of Lithuania// Institute of Economic Research Working Papers No. 98/2017. Toruń, Poland 2017
2. А. И. Белов. Показатели и факторы конкурентоспособности национальной экономики // Известия Пензенского государственного педагогического университета имени В.Г. Белинского Общественные науки № 24 2011. С. 204-210.

⁵Ш.Исакулов. Диверсификация направлений миграционных потоков//Xalqaro munosabatlar. №1. 2013.Б.34

3. Милантьев А.В. Сущность и понятие конкурентоспособности // Студенческая наука XXI века: материалы VIII Междунар. Студенч. Науч.-практ. Конф. (Чебоксары, 25 янв. 2016 г.). 2016. – № 1 (8). – С. 206.
4. Ш.Исакулов. Диверсификация направлений миграционных потоков//Xalqaro munosabatlar. №1. 2013.Б.34